



Қ А Р О Р

2006 йил «28» НОЯБР

№ 935-К

Сотиб олинган меҳмонхона биносига эгалик ҳуқуқи бериш ва бино эгаллаб турган ер майдонини ижарага бериш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 декабрдаги 607-сонли қарори ижросини таъминлаш, фуқаро Бердиева Нодиранинг “Собик Р.Ҳамроев ширкат хўжалигидаги сотиб олинган меҳмонхона биносига эгалик қилиш ва бино эгаллаб турган ер майдонини ижарада фойдаланишга расмийлаштириб бериш тўғрисида”ги 2006 йил 22 апрелдаги 18-сонли аризасини ва Бердиева Нодира номига пул тўланганлик тўғрисидаги 2006 йил 30 апрелдаги 15-сонли 30820 (ўттиз минг саккиз юз йигирма) сўмлик қвитанцияни, 2005 йил 17 январдаги 16-сонли 70000 (сеўтинчи минг) сўмлик мемориал ордерларни ва “Ўзбекистон банклари ассоциацияси универсал биржа маркази” Самарқанд вилоят филиалида 2005 йил 1 июл куни ўтказилган 63/7-сонли ва 2005 йил 29 ноябр куни ўтказилган 129/33-сонли Марказлаштирилган электрон биржа савдосининг баённомаларини кўриб чиқиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. “Ўзбекистон банклари ассоциацияси универсал биржа маркази” Самарқанд вилоят филиалида 2005 йил 1 июл куни ўтказилган 63/7-сонли ва 2005 йил 29 ноябр куни ўтказилган 129/33-сонли Марказлаштирилган электрон биржа савдосининг баённомаларига асосан собик Р.Ҳамроев ширкат хўжалигида сотилган меҳмонхона бинолари фуқаро Бердиева Нодирага бериш ва ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг давлат руйхатига олинганлик тўғрисидаги ҳисоблансин ва меҳмонхона бинолари эгаллаб турган 00,27 гектар ер майдони Бердиева Нодирага 50 йилга ижарага фойдаланишга ажратилсин.
2. Туман ер ресурслари хизмати (Б.Абдураззоқов)га ер кадастр ва бонитети асосида мазкур меҳмонхона бинолари эгаллаб турган ер майдонини тегишли тартибда меъёрий ҳужжатларни ва ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг давлат руйхатига олинганлик тўғрисидаги баённомасини тайёрлаш:
 - Туман давлат солиқ инспекцияси (А.Тўраев)га Бердиева Нодиранинг сотиб олинган меҳмонхона бинолари ер майдонларидан фойдаланишни молиявий фаолияти устидан назорат қилиш, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларини тартибга солиш;
 - туман статистика бўлими (З.Эргашев)га Бердиева Нодиранинг сотиб олинган меҳмонхона бинолари ер майдонларини статистик ҳисоботларини тўғри олиб бориш ва умумлаштириш қилиш.
3. Марказлашган электрон биржа савдосида сотиб олинган меҳмонхона бинолари эгаллаб турган ер майдонидан тегишли амалдаги қонунлар асосида ҳамда “Ер кодекси”нинг 40-моддасига асосан қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокими ўринбосари, тугатиш бўлими раиси Н.Жўраев зиммасига топширилсин.
4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокими ўринбосари, тугатиш бўлими раиси Н.Жўраев зиммасига топширилсин.

Туман ҳокими :

Ш.Негматов Ш.Негматов